

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2002 йил 19 декабрь, №275 (3103)

Пайшанба

Ўзбекистон — Украина:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги алоқалар ўзоқ тарихга эга. Тарихий манбаларга қўра, Х асрдаёқ Киев ва Хоразм ўртасида ўзаро савдо алоқалари мавжуд бўлган. Айтиш жоизки, Ўзбекистон — Украина дўстлик риштлари икки давлат мустақилликка эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 25 августда ўрнатилган бўлса-да, шу қисқа фурсат ичида 130га яқин икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона муносабатлари ҳамкорлигимизнинг янада сермаҳсул ва самарали бўлишига асос яратди. Мустақиллик йиллари мобайнида икки давлат раҳбарлари бир неча мартаба ўзаро меҳмон бўлишган. Хар гаги ташриф амаллари ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг янада жадаллашуви ортиб кетди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда 300 минг агрофирма украин миллати вакиллари истиқомат қилади. Хукуматимизнинг сиёсий, юртимизда ижтимоий сиёсий барқарорликнинг таъминланиши учун икки давлат раҳбарлари ўзаро кўриб чиқилган баргараф этилиши бир қанча миллат ва эллар қатори украин маданиятининг ҳам юртимизга гуллаб яшашига олиб келди. Ҳозирда республикамизда Баткивишна, Славутин ва бошқа қатор украин маданият марказлари фаолият кўрсатаётди. 1997 йилда мамлакатимизда Украин маданияти кунлари ўтказилди. Шунингдек, Украинада олимлар, фан номзодлари, тадбиркорлар, маданият ходимларидан иборат кўп сонли ўзбек жамоатчилиги мавжуд. Киевда Украина — Ўзбекистон дўстлик жамияти фаолият кўрсатиб турибди. Юртимиз вакиллари Украинада ўтказиладиган келинаётган қатор фестивал ва танловларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Республикамизда пойтахти кўчаларидан бирининг Тарас Шевченко номи билан аталгани, шунингдек, Киевдаги асосий шоҳўчалардан бирига буюк бобоимиз Алишер Навоий номи берилгани икки халқ маданиятига бўлган ўзаро эҳтирอมни нишонлаётди. Шу йил «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Киев шаҳри маъмуриятининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси ташаббуси билан суратга олинган «Дўстлик риштлари» фильмида халқларимиз ўртасидаги ана шу самимий муносабатлар акс этирилган.

Қардош халқ мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовни икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаб, Украинанинг энг юксак нишони — биринчи даражали Доно князь Ярослав ордени билан тақдирлаган. Айни вақтда Украина Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида дўстлик ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда 1999-2008 йиллар оралиғида Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар билан янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Украинага асосан авиация, кимё ва энгил саноат, шунингдек газ, пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради. Украинанан қора металлургия, кимё ва машинасозлик саноати моллари ҳамда шаклар, писта ёғи каби маҳсулотлар юртимизга келтирилади.

Шу ўринда икки давлат ўртасидаги илм-фан, технология соҳасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу алоқаларнинг ривожланишида Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1995 йил 20 июнда имзоланган фан ва технология соҳасида ҳамкорлик ҳусунидаги битим муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Украина илмий-технология марказининг дастурларида фаол иштирок этиб келмоқда. Икки давлат илмий марказлари ўртасида сейсмология, энергетика ва бошқа қатор соҳалар бўйича ўзаро ахборот алмашиш ва маслаҳатлашув йўлга қўйилган. Айни вақтда мавжуд илмий муассасалар асосида қўшма илмий-технология марказлари тузиш иштиқболлари кўриб чиқилмоқда. Икки мамлакат олий ўқув юртилари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, талабалар ва илмий тадбиркорлар алмашишуви, мутахассислар маляксасини ошириш борисида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Украина Президенти Леонид Кучмининг Ўзбекистонга ташрифидан олдин мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустақиллик муносабатларида янги савҳага олиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун хизмат қилаётган шўбҳасиздир.

Ақмоқдон ҚҰЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА.

УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

2002 йилнинг 19-20 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш иштиқболлари, ўзаро манфаатли халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

(ЎЗА).



«...Қон-қардошдир, бир тан, бир жон»

Биз бу сўзларни бежизга ёлға олмадик. Чунки қўнчилигимиз Украина — Ўзбекистон, қон-қардошлар, бир тан, бир жон. Ҳар алаҳуви машур қўнчилиги жуз яхши эслаймиз. Аслида бунда сира ҳам муболага йўқ. Негаки, ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик анъаналари олдидан мавжуд бўлиб келган. Машур украин шоири Тарас Шевченконинг қадими ҳатто Орол бўйларига ҳам етгани барчамизга аён.

Тўғри, мустақиллик касб ҳар икки давлат ҳам қатта тараққиёт ва ўзгаришлар йўлини

бушбу сафарлар чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка тамаал тоши қўйилди. Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожлантиришига оид қатор ҳужжатларга имзо чекилд. Бугун ана шу савҳ-ҳаракатлар натижаси ўларок, юртимизда ўзбек-украин қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар қаторида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иштиқослашган пойтахтимиздаги «ТошВАЛЕО» қўшма корхонаси ҳам бор.

Айни пайтда ушбу ширкатда бир кунда 1000 кунга ақин қандолат маҳсулотлари тайёр

ланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 80 нафар ишчининг олаётган даромади ҳам шунга ариша бўлаётди. Биз билан бўлган суҳбатда қўшма корхона раҳбари Улуғбек Азизов ҳозиргача эришилган муваффақиятлар фаолиятимизнинг бошланishi дея баҳолаган. Чунки корхонада ҳали яна

СУРАТДА: «ТошВАЛЕО» қўшма корхонаси ишчиси Саида Расуллова. П. ГАЛИЕВ олган сурат. (Давоми 2-бетда).

Обод маҳалла — бизнинг маҳалла

Ўзбекининг «Маҳалла» деган сўзидан сеҳрли бир ҳикмат ёғилиб турганга ўхшайди. Маҳалла — нима? Маҳалла бир-бирига эсини танигандан буюн таниш бўлган, бир-бирини яхши биладиган, босган қадами, қилган иши ва ҳатто, ҳаёлидан кечган гапи бир-бирига аён бўлиб турадиган, бир-бирига гамхўрлик қиладиган ва жони ачидиган, кувончли ва ташвишли кунларини бирга кечирадиган одамларнинг давраси.

ЭЗГУЛИК НИҲОЛИН ЭКАЙЛИК

Бу кўрғоннинг, табиийки, ўз устунлари, етакчилари бўлади. Тоши адолат ва одамгарлик тамойилларидан иборат тарози бўлади. Инсоф, вилдан, йимон, савоб, андиша тушунчалари билан ифодаланган ҳолатлар ва шу ҳолатларга зид кўринишлар ўша тарози палласига қўйилиб, баҳолаб борилади. Ва кўннинг баҳоси — муносабати ҳамжиҳатликни, тотувликни шакллантиради. Яхшилик ниҳолларини озиклантиради. Одамзотни қийлик деб аталувчи мусафиро соҳилларга чорлайди. Президентимиз 2003 йили — Обод маҳалла йили деб эълон қилганларида қалбимизда биз шундай фикр-мулоҳазалар кечганини идрок қилгандай бўлдик.

Ҳўш, қандай маҳаллани биз обод деб билмоғимиз керак? Бошқача айтганда, ўзимиз яшайдиган, ишлайдиган маҳаллани обод қилиш деганда биз нимани тушунамиз? Бу саволларга Қумқўрғон туманидаги «Оқсар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эргаш Мўминов жавоб қайтариб, шундай дейди:

— Худудимиз катта — 37 минг аҳоли яшайди. 12 та маҳалламиз бор. 14 та умумий ўрта таълим мактабимиз, 50 та тегирмон, 8 та дорихона, хусусийларни қўшиб ҳисоблаганда 80 та савдо-тижорат дўкони, мебелсозлик, сандиқсозлик шехларимиз, 2 та гишт заводимиз, бичиш-тичиш шехларимиз бор. 7138 та хонадоннинг кўпчилиги ичимлик суви ва газ билан таъминланган. Ана шу гапларимдан кўриниб турибдики, маҳаллаларимиз — обод.

Бу ободончилик омондан тушгани йўқ. Яхши иш ўз-ўзидан юзага келмайди. Яхши иш бу — яхши одамларнинг ижоди.

Бир мисол: «Киндиктепа» маҳалламизда теракин ар-радан ўтказиб, мева-узум жойлашган одам — яшиқ ясаш шехи очилди. Бу шехда 40 нафар илм ишлайдиган бўлди. Шех бугун маҳалла аҳли билан бир қозонда қайнамоқда. Шехнинг кучи билан янги электр трансформатори ўрнатилди. Йуллар созилаётган ва ҳокзо. Хўжамқулов номи маҳалла аҳли шаънига ҳам шундай илқ тап-ларни айтса бўлади.

Одамлар маҳаллани оила сингари муқаддас биладилар. Бирови бошлаган хайри ишга дарҳол қўл солишадир. Маҳаллада ҳар бир оқсоқолнинг, тадбиркорнинг, мактаб ўқувчисининг ўз ўрни бор. Дарвоқе, маҳалланин жамиятдаги вазифаси одамларни яхшига ва ёмонга, олдига ва мураккабга ажратиб эмас, балки, ҳаммани ба-равар қўриш, ҳаммани бағрига тортиш, одамларнинг ҳаёт-дан рози бўлиб яшашларига қўмақлашишдир.

Ҳа, ҳамманинг ҳаётдан рози бўлиб яшашга ҳаққи бор. Ана шу ижтимоий эҳтиёжни мувофиқлаштиришга маълум даражада эришаётган маҳаллани мен обод маҳалла деган бўлар эдим.

Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганмизда, бизнинг маҳаллаларимизда ҳам ҳали қўнчилиги лозим бўлган талай ишлар, муаммолар кўриниб қолади. Бу, аввало, ёшлар муаммосидир. Ҳисоб-китобларимизга қўра, ҳеч ерда ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар деган рўйхатимизга 200 дан кўпроқ киши тушиб турибди. Бу рақамни мен баъзи истиқолаларга бориб қамайтириш ҳам кўрсатишим мумкин эди. Лекин ойнай этак билан ёшиб бўлмас. Муаммони яшириш — қўрқоқлик. Қўрқоқликни — масъулиятсизлик, деб тушунамиз.

Худудимизда жойлашган «Беш қаҳрамон» номи ширкат хўжалиги 2003 йилда ишчи намунали деб топилдиган маҳаллага катта мукофот таъсис қилди. Азлочин ўқувчиларга стипендия бераётган. Маҳалларда ўз худудларини янада обод этиш бўйича тадбирлар ва ташаббусларини маълум қилаяптилар.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун сув ё газ қувури тортилгани-ю чиройли иморат қурилгани билан маҳалла бир-данги обод бўлиб қолмас. Тилимиз ёлғондан, қадими-мизни беҳайр йўллардан, юртимизни хиёнатлардан, остонамизни ёвуз назарлардан, ёшларимизни биз учун ёт бўлган шамоллардан сақлаб яшамоғимиз керак. Қалбимиз, юрагимиз эзгу ниятлар, эзгу юмушлар билан обод бўлмоғи лозим. Бугунги ишларимиз бир-биримизга, эр-танги кунимизга, ҳудудас, маҳалламизга биз ёрғуз юз билан, фаҳру ифтихор билан қарайдиган бўлайлик.

Маҳалла бу қадимий тушуна. Ота-боболаримиздан қолган бебаҳо маънавий мерос. Мустақиллигимиз ту-файли қайта тирилган қадрият. Бугунгача эришган мартабаларимизга биз учун катта қўмақ бўлган куч. Ва бундан буюн ҳам маҳалла ўзалигимизни янада ақиндан танишга, ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизни жаҳон саҳнида намойиш этишга хизмат қилалариди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЙЛИК САМАРАЛИ ЯКУНЛАНИ

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан мамлакатимизда шу йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга-ча «Ёнги хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди.

Сўнгги хабарлар

Қаҳрамон билан учрашув

Пойтахтимиздаги П. Боровский номидаги тиббиёт коллежидан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди. Кечани коллеж директори Маъмура Юсупова кириш сўзи билан очиб, шоирнинг ҳаёт ва ижодий йўли ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг ўқувчилар шоирнинг Ватан, истиқлол мавзусида ётган шеърларидан намуналар ўқидилар.

Қаҳрамон шоиримиз ўқувчиларга янги асарларидан ўқиб берди. Кеча ташаббусларга бой бўлди. Санжар УСМОНОВ.

Гулистонликлар экспорти

Гулистондаги ўзбек ва чех қўшма корхонаси — «Лечивафарма-саноат» таблетка ва инъекция ҳолатидаги олти турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Жорий йилнинг ўн бир ойида 580 миллион сумликдан зиёд ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилиб, икки бозордаги истеъмолчиларга етказиб берилди. Келгусул йилдан бошлаб эса корхона маҳсулотлари хорижга ҳам сотилади. Айни пайтда хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли музокара-лар олиб борилаётди.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

Юрт ободлиги, энг аввало, бозорларда ўз аксини топади. Бугун қай бир шаҳарда борманг, обод бозорларга кузунгиз тушадис. Дехқон меҳнатининг маҳсули сармат мева-дарилар сабаботлар туғла дехқон бозорлари, маҳаллий саноат маҳсулотларига туғла улғурчи бозорларнинг барчаси турмушимизнинг фаровонлигиндан дало-латдир. Яқинда Асака шаҳрида ана шундай бозорлардан бири иш бошланди. 4,5 минг савдо ўрнига эга бўлган олтига тим, 120 та алоҳида дўкон, меҳмонхона, овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган ичишот қарийб 7,5 гектар майдонни эгаллаган. Сотува-ли маҳсулотларнинг деярли барчаси хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» маҳсу-лотлардир.

М. ХОЛМАТОВА.

«Антекс»нинг хорижлик мижозлари

Пахтадан тайёрланган газ-ламалар ва калавалар ишлаб чиқаришга иштиқослашган Андижондаги «Антекс» акция-дорлик компаниясининг хори-жлик харидорлари сонин кўпайди. Голландия, Австрия, Дания ва Россия мамлакатла-рига сотган маҳсулотлари ҳисобидан корхонанинг даро-мади 570 минг АҚШ долларига кўпайди. Жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида 170 тон-на ип қалава, 250 минг пагон метр газлама, шунингдек 112 миллион сумлик халқ истеъ-моли маҳсулотлари ишлаб чи-қарган корхонанинг иқтисодий салоҳияти кун сайин ортиб бормоқда. 600 нафар шаҳри-хонлик ёшлар меҳнат қил-ди-ган ушбу корхонада йил охи-рига қадар ана 50 ишчи ўрни очилиши кузда тутилмоқда. «Туркистон-пресс».

«Ўзбекистон» МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

Ийрилишда таъқилландики, ҳукуматимиз томонидан бошқа тармоқлар қатори балчиқлик соҳасини ривожлантириш, уни тараққий эттиришга ҳам ҳар томон-лама гамхўрлик кўрсатиб келин-моқда. Бирок кейинги йилларда соҳада иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши, давр талаб-ларидан келиб чиққан ҳола фао-лият кўрсатишда суғинашликка йўл қўйилмоқда. Жумладан, ба-лик ва балик маҳсулотлари етиш-тириш ҳақида аввалги йилларга қараганда кескин қамайиб кетди. Илгари мамлакатимиз бўйича йил-да 32-34 минг тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, жорий йил-нинг 10 ойи мобайнида бу кўрсат-кич 5868 тоннани ташқил этил-моқдас. Айниқса, вилонтларнинг балчиқлик хўжалиқларида ҳисеп-дорлик тобора пасайиб бормоқ-да. Янгиерда ҳар гектар сув ҳа-видадан 2,1 центнер, Самарқандда 4 центнер, Тошкент балчиқлик хўжалиқига 80 килограмм балик етиштирилгани шундан далолат беради.

Тизимагаи корхоналарда деби-торлик, кредиторлик қарзлари салмоқини қамантириш бўйича ҳам чора-тадбирлар қўрилмаётди. Бугунги кунга буюбтадан 48 мил-лион сум, иш ҳақидан 17 мил-лион сум, пенсия фонди ва бо-шиқа мажбурий тулловлардан қар-злар мавжуд.

Ийрилишда Бош вазир ўри-босари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини Н.Юсупов сўзга чиқди. Саидолим ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хушқайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обунда давом этаётганлигини маълум қиламиз.

«Баркамол авлод-2003»

ЁШЛАРНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

бу гал Андижонда бўлиб ўтади. Ям-яшил майдонлар, маҳобатли ва муҳташам спорт мажмуалари гузаллик ва нафосат, чақонлик ва мардлик, дўстлик ва ахиллик байрамига пухта ҳозирланмоқда. Андижон вилояти мамлакат ёшларининг жиддий синовлардан иборат бетакрор шодиёналарига ўзгача кўтаринкилик билан шайланмоқда. Мухбиримизнинг мусобақа масъуллари билан суҳбати шу ҳақда.

Абдумалик ҲОШИМОВ, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари:

— Андижонда бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод-2003» спорт ўйинларига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мусобақалар ўтказиладиган жойлар аллақачон аниқланган. Шунини аҳамиятлики, беллашувлар фақат кучлиларни аниқлабгина қолмай, касб ҳунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил кўраётган талабалар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлайди.

— **Айтишчи,** «Баркамол авлод» ўйинларида иштирок этиши кўзда тутилмаётган вилоят ёшларининг кайфияти қандай? Ҳудудий беллашувлар қай тарзда ўтмоқда?

— Энг кучли спортчиларимиз ана шу спорт — шонинг иккинчи босқичига шайланмоқда. Беллашувлар 9 ҳудудга бўлиб ўтказилди. Уларда спортнинг баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат турлари бўйича кучлилар сараланди.

Халқро кураш ҳамда белебғли кураш беллашувлари уч гуруҳга бўлиб ўтказилди. Бокс бўйича финал «жанг»лар Андижон шаҳридаги темирўлчилик клуби залида бўлиб ўтади. Айна пайта худудий беллашувлар ўтказилиши режалаштирилган Избоскан, Марҳамат, Олтинқул, Бўз, Қўрғонтепа туманларидаги коллежларнинг спорт заллари ва майдонлари шайлаб қўйилди. Жойларда эса ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Олтинқул, Бўз, Балиқчи туманлари коллежлари ҳамда Андижон тиббиёт коллежи ва қатор ўқув юртлири жамоалари ўз маҳоратларини синаб кўришди, бу республика босқичига тайёргарликнинг бир қисmidir.

Л. ҲАКИМОВА, — вилоят ўсмирлар поликлиникасининг бош шифокори:

— Мусобақа иштирокчиларининг саломатлигини таъминлаш, беллашувлар пайтида тиббий ходимларнинг сергак туришлари асосий вазифаларимиздир. Янги касб-ҳунар коллежларида тиббий шохобчалар ташкил этилди. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар

билан жиҳозланмоқда. Врач, ҳамширалар шпатлари ажратилиб, малакали мутахассислар билан таъминланди. Йигит-қизларга ўқишдан ажралмаган ҳолда даволанишлари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.

Бундан ташқари, ўсмирлар поликлиникаси компьютер техникаси билан жиҳозланди. Ҳар бир қатнашчининг саломатлиги ҳуусида маълумотлар банки тўпланди, йиллик профилактик кўриқлардан кейин бу маълумотлар янгиланиб борилади, албатта.

— **Ёшларнинг тиббий-профилактик кўриги ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Андижонда истиқомат қилувчи ўсмирларнинг 98,4 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу муҳим тадбирда қизлар гинеколог, стоматолог, окулист сингари 14 турдаги мутахассис иштирок этди. Саломатлигида ўзгариши бор ёшлар аниқланди. Уларнинг турли сыхаттоҳларда шифо топшиши учун кўмаклашди. **Р. УБАЙДУЛЛАЕВ,** баскетбол бўйича вилоят катта мураббийси: — Мамлакатимизда ўтказилган спартакиадалар, бошқа турдаги ўйинлар дастуридан баскетбол ўрин олиши табиий. «Баркамол авлод» спорт-шоуси ҳам бундан мустасно эмас. Мусобақаларнинг финал босқичида республикамиз ўрта таълим ўқув муассасаларида тахсил кўраётган талабалардан тузилган энг кучли қизлар ҳамда йигитлар жамоалари гойиблик учун беллашадилар.

Вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёшларни саралаб олдик. Улар Андижон шаҳридаги алоқа коллежида машқ ўтказмоқдалар. Зал, баскетбол майдони ҳар жиҳатдан мукамал жиҳозланган.

Вилоят ҳокимлиги «Баркамол авлод» спорт мусобақалари финал босқичига тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилганига ҳам беш ой бўлиб қолди. Мазкур ҳужжатда терма жамоалар учун зарур анжом ҳамда спорт кийимлари, спорт заллари, майдонлари ва иншоотларини талаб даражасида тайёрлаш, мусобақа иштирокчиларини жойлаштириш учун ётоқхоналарни меъбае жиҳозлари билан таъминлаш каби қатор масалалар алоҳида таъкидланган.

Шунини қониқтириш билан таъкидлашни истар эдикки, ушбу қарор жойларда изчиллик билан бажарилмоқда. Нанкин ташкилотлар, ҳатто ҳар бир ота-она ўз фарзандалари каби шодиёналарни байрамона ўтказиш тадориғида.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом авлод — юрт келажоғи

Мамлакатимизда самарали меҳнат қилиб, маънан бой, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келадиган кишиларни ҳар томонлама рағбатлантиришга жиддий эътибор берилаётди. Маданият ишлари вазирлиги томонидан соғлом авлод тарбиячилари учун мўлжалланган мукофотлар ҳам шундай эзгу мақсадда таъсис этилган.

Ушбу мукофотта Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар номзод кўрсатилди. Номзодлар ўзига хос иш усул-

лари, соғлом авлод тарбиясига жамоатчиликини кенг жалб этишга қўшаётган ҳиссасига қараб сараланди.

Р.Глиэр номидаги Республика махсус музыка академик лицейи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари А.Юсупов, Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 23-мехрибонлик уйи директори С.Килидишева, В.Успенский номидаги махсус музыка академик лицейи ўқитувчиси Е.Мовсесян ушбу мукофотга муносиб топилди.

Элбек ХОЛИҚОВ, ЎзА мухбири.

НАСАФ ВА НАСАФЛИК АЛЛОМАЛАР

Қарши шаҳрида Насаф тарихи ва насафлик алломалар ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Қашқадарь вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда Шарқшунослик институти директорининг ўринбосари Баҳром Абдуҳалимов, тарих фанлари доктори У.Уватов, филология фанлари доктори Ш.Қамолитдинов ва бошқа олимлар қадимий Насаф ва бу воҳода етишиб чиққан аждоғлари ва уларнинг тарихий меросини эълон қилишга аҳамияти ҳуусида сўз юритди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

Хикмат

Ёшлиқда ҳаракатинг қанча зўр бўлса, Кексайганда қувонасан ўшанча.

Reko Programming & WEB programming

WEB DESIGN

- Корхона ва ташкилотнинг учун муносиб интернет саҳифалар яратиш.
- Корхона ва ташкилотнинг фаолиятига мослаштирилган ва унинг самарали бошқаруви учун кўмакдош амалий компьютер дастурларини яратиш.

Телефонлар: 144-33-21, 144-96-15.
Факс: 144-96-14.
Электрон почта: info@reko.uz
Интернетдаги манзил: www.reko.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ» 9.00 дан 18.00 гача
ЭЪЛОНЛАР 136-09-25
КАБУЛ КИЛИНАДИ. 132-10-63
242-хона

Офислар, банклар, меҳмонхоналар, муассасалар, шунингдек, фуқаролар ДИҚҚАТИГА!

Vinlad
Хайтигини хотиржам қилмайсиз!
Манзил: Тошкент шаҳри, «Қўшбўғи» кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: (998 712) 50-99-13, 50-48-13.
Тел./факс: (998 71) 120-88-01.
E-mail: vinlad@nayfov.com

СЕЙФЛАР ВА ЭШИКЛАР, ДАРВОЗАЛАР УЧУН ҚУЛФЛАР, ҚУЛФ ТИЗИМЛАРИ...

ФАОЛ МУҲОҒАЗА

ПАТЕНТЛАНГАН ТИЗИМ: ҳаракатчан элементли калит.

ПАССИВ МУҲОҒАЗА

Зарбадан ҳимоя: цилиндр корпусидаги бўртиқ.

Пармалашдан ҳимоя: цилиндр корпусининг ҳар иккала қисмида тобланган пўлат қуймалар.

Очишдан ҳимоя: 3 қатор орқама-орқа жойлашган пин ва акспинлар, код тизими уяли элемент воситасида ҳаракатга келтирилади, пин ва акспинларнинг ўзига хос шакли.

Сугуриб олишдан ҳимоя: цилиндрнинг икки қисмини яхлит бир бутун қилиб туташтирувчи ва алоҳида мустаҳкамлик бағишловчи пўлат қисм, тобланган пўлатдан кўндаланг поналар, махсус шайба.

КАЛИТНИНГ МУМКИН БЎЛГАН КОМБИНАЦИЯЛАРИ: 8 миллиарддан зиёд.

Никель ва кумуш калит: фақат CISA фирмаси ва авторлашган дистрибутор тронидан яслиши мумкин бўлган яслиувчи махсус патентланган кодли қисм билан.

ОДДИДАН МУРАККАБГА.

CISA

Кулф ва кулф тизимлари ишлаб чиқаришга 1926 йилдан бошлаб ихтисослашган Италия фирмаси.

Кулфни идентификациялаш варақаси: калитнинг нухасини муаллифий тайёрлаш учун. Нухса фақат CISA фирмасининг ўзи томонидан тайёрланиши мумкин, бунинг учун кулфни идентификациялаш варақасини тақдим этиш зарур.

СЕЙФЛАР

ҚУЛФЛАР

«УСТА КАЛИТ» ТИЗИМИДА ЦИЛИНДРАЛНИНГ ИМКОНИ БЎЛГАН ИМҚОРИ:

- «Уста калит» тизими учун ҳар хил 85 000 000 цилиндр;
- талабга кўра бошқа шакллар мавжуд;
- КА — бир хил кодли калитлар;
- МК — уста калитнинг икки даражали тизими;
- СМК — уста калитнинг уч даражали тизими;
- GСMK — уста калитнинг тўрт даражали тизими;
- СЕ — марказий тизим (масалан, турар жой биносига кириш эшиги барча калитлар билан ва ҳар бир хонадон ўз калити билан очилади, икки директор ўз калити билан ўз иш хонаси, ходимларнинг хоналари, оморлар эшикларини очади, лекин ходимлар директор хонаси эшигини оча олишмайди);
- СА — қурувчининг калитидан фойдаланилган тизим.

Очилмаслик кафолатлари

«очик-ёпиқ» циклининг 100 000дан кам бўлмаган цикли (EN 1303 мейёрларига мувофиқ ишончлилик даражаси 8). EN мейёрларига биноан сертификатланган, ишончлилик даражаси 8, махфийлик даражаси 5.

Халқро Шароф Рашидов Хайрия фонди Марказий Кенгаши, фонд фаол аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли адиб, сўз журналист **Исмом СУЛАЙМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносибати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига дил амри билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Шаҳрисабз тумани Чоршанба кўлиқ кўчалик касб-ҳунар коллежи директори, касб-ҳунар таълими фахрийси **Абдурахмон БОБОЕВ**нинг вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Узсаноатқурилишбанк» жамоаси банк Амалиёт бошқармасининг бўлим бошлиғи **Мансур ЖУМАНАЗАРОВ**нинг бевақт вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокорпорациясининг «Ўзбекистон» телеканал жамоаси телеоператор М.Тулаганова отаси **Хотам ТУЛАГАНОВ**нинг вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ўсимликларини ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти жамоаси институти директори Мурод Рашидовга онаси **ГУЛҲАРАХОН** аянинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиясини институти жамоаси институти ректори, профессор Мухсин Ходжиева волидаси **Замира ИНОМЖОНОВА**нинг вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардик изҳор этиб, ушбу қайғули дамларда сабру бардош тилайди.

Маданият ишлари вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг Иқтисодий истиқболни белгилаш ва молиявий ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Мадияр Тохтамаевага волидани муҳтарамаси **МУҲАРРАМ** аянинг вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА
УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Ўз акциядорлари ва миждошларини,
бутун Ўзбекистон халқини
яни юз йилликнинг кириб
келадиган ўзининг йили
2003 йил билан
ини қалбдан таърифлайди!

Байрам шарафига
3 ой муддатга 50 фоиз йиллик
ҳамда 6 ой муддатга 60 фоиз йиллик
даромад тўланадиган

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

жамғарма омонатини
таъриф этади.

Омонат бўйича фоизларни ҳар ойда олиб
боришингиз мумкин.

Бошланғич бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм.

Янги йил барчангизнинг хонадонингизга
шодухуррамлик, қўл-барака олиб кирсин!

«ПАХТА БАНК» — фаровонлигингиз калитидир!

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тяжир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Миралимов, С. Мухиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоев, И. Шогуромов, О. Қайбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Т — 1772, 27016 нусхада босилди, ҳажми — 2
таб. Объет зуулида босилган.
Қўғот бичими А-2
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар
Жамшид ТОВАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ
томонидан сифдаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд
материаллар қабул қилинмайди.
[] Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йулдошева.
Навбатчи — М. Жонхонов.
Мусаххях — И. Туреунова.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириди — 20.30 1 2 3 4 5 6

«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси